

ИСТОРИЯ ДРЕВНЕГО ГОРОДА АХСИ В ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ[1]

Фаргона областида кадимги замонларда пойтахт бўлуб турган Ахси ёки Ахсикент деган катта шаҳар бўлган экан. Бул кунларда мазкур шаҳарнинг ўрни ва асорати яхши маълумдур. Чунончи, Наманган уездига тобеъ худди Наманган шаҳридин ўн беш чакирим масофада Ахси бўлустида дарё лабида бир неча кишлокдин иборатдур. Бул хусусда таворих китоблардин мазкур Ахсикет хусусида хабар олиб, таворих учун бирор рисола тасниф килмок лозимдур, яъни ул шаҳар кайси вақтда ул мартаба бино бўлган, кайси хон ва беклар ул шаҳарда ҳукумат килган ва фукароларни(нг) маишати каю тарикада бўлган ва ҳам каю вақтда нима сабаблар ила ул шаҳар вайрон ва хароб бўлган ва нима учун ул жойда ҳеч ким туролмаган. Йикилган девор ва иморат асорати ер остига қўмулуб колгандурму, деб. Бул муддао бирла газет ўқувчи зотлардин илтимос киламизки, хар кимнинг қўлида хар хил тарих китоб бўлуб, ул китобларда Ахси шаҳри хусусида хох киска, хох муфассал хабар бўлса, биз газет муаллифига ёзиб юбориб, бизни хурсанд килса, ва лекин мазкур хабар бу тарика ёзилса, чунончи: «Ахсикет Мовароуннахрда Сайхуннинг сохил шаркисида бир қасаба эрди.

Ахсикет Мовароуннахрда Фаргона доҳилида бир қасаба ўлуб, Сайхун дарёсининг шимол тарафидаги қасабаларнинг бири Ахсидур. Китобларда битадурлар, чунким Асириддин[2] шоирни Асириддин Ахсикатий дерлар. Фаргонада Андижондин сўнгра мундин улугрок қасаба йўқдур. Андижондин гарб тарафида тўккуз тош йўлдур. Умар Шайх Мирзо мунин пойтахт килди. Бир-икки мартаба ташкарирокдин яна жарлар солди. Фаргонада мунча берк қўргон йўқтур.

Ахси қўргони баланд, жар устида воқеъ бўлубдур. Иморатлари ҳам жар ёқасида эди. Ушбу тарихда, яъни 899 хижрийда, душанба куни ва рамазон ойини(нг) тўртида Умар Шайх Мирзо жардин қабутар мисллик учуб вафот килди. Ўттуз тўккиз яшар эрди, валодати 860 да Самаркандда эди, Султон Абу Саид Мирзонинг 4-ўғли эди. Султон Абу Саид Султон Махмуд Мирзо ўғли, ул Мирзо Мироншоҳ ўғли, Мирзо Мироншоҳ Амир Темур ўғли. Умар Шайхни қабри алхол Ахсидадур. Умар Шайх Мирзодин уч ўғил, беш киз қолиб эди. Ўғлонларининг улуги мен Захириддин Бобур эдим. Менинг онам Кутлуг Нигорхоним Юнусхон кизи эди», деб.

Бу иборалар «Бобурнома»да худ Бобурхон сўзларидур. Яна «Бобурнома»нинг 40 ва 29-саҳифаларида ёзиладурким «Бир-икки кундан кейин Кандарлик доғони ила Ахси ва Андижонга азимат килдим. Ахсига етиб, отамнинг мазорини тавоф килдим. Ахсидин намози жумъани вақтида чиқиб, Бандсолур йўли ила Андижонга кирдим», деб.

«Таърихи Рашидий»да[3] ёзилганига қараганда, Ахси шаҳрининг аввал биноси мўғул хонлари тарафидин бўлуб, 890-900-хижрий таърихида Амир Темур авлодларидин Умар Шайх Мирзо ва Шайбонийхон авлодларидин Жонибекхонга Ахси шаҳри бир неча вақт пойтахт бўлуб, бу шаҳарда ҳукмронлик килган эканлар. Ўшал асрларда Ахси шаҳри гоётда ободонликда экан. Қўб замонлар Қошғар вилоятида ҳукмронлик қилиб, Абдуллахон Самарканд ва Бухоро ва Фаргонага истило қилгандин кейин Султон Абу

Саидхон кўб аскар ила Кошгарга бориб, тамом тавобиоти Кошгарни олиб, 939 йилгача хукмронлик киладур.

Таърих эски Ахси манокиби рисолаи Хазрат Лангар Бобо Азиздин шул тарика ёзилибдур: «Ахсикентни аввали биносини Эрон подшохи Нўширавони одил бино килган экан. 521-тарих милодийда Нўширавон ўгли Хурмуз подшоҳ Ахсини неча вақт пойтахт қилиб, анда ҳукумат суруб, сўнгра 1233 милодийда Сирдарё катта тошган вақтда бир қилзила бўлуб, дарёни(нг) суви Ахсини(нг) биёбонига чиқиб кетган экан. Анда бузулуб, хароб бўлган экан. Аммоки аввалги ободлигида иморатлари икки-уч қабат хиштдин бинолари бўлуб, шаҳар нияси Косонгача боруб, Косон ила Ахси ўртаси қирқ чақиримлик йўл ҳаммаси иморат, бозор бўлган экан. Хаттоки бир эчки Ахси томида юрмак бўлса, то Косонгача борур экан. Том устидан юруб ҳаммомлар, мадрасалар, саройлар, ер тагидан юрадургон савки ерлари, кўб таажжублик нимарсалари ҳозир ҳам кўрунуб турадур. Ҳозирда Ахси икки ерда бўлуб, бирини Эски Ахси, бирини Янги Ахси дерлар. Яъни Янги Ахси Эски Ахси бузилгандан сўнг қолган одамлар дарёдин қочиб, Косон тарафида баландлик биёбонга иморатлар қилиб, кўб қишлоқ бўлганлар. Ҳозир Янги Ахсида ўн икки қишлоқ, Шоханд деган бозорлик, бир қишлоқи оила бир бўлушиб бўлган. Аммо Эски Ахси одамлари оғзидаги сўзлари кўб ажиб ва қариб сўз сўзлайдурлар. Аларни олмай, маноқибдан ёзилди. Эски Ахсини бузулган тарихи 1030 милодийда бўлган экан. Андин буён мазкур Ахсини ҳеч подшоҳлардин ёки фуқаролардин обод қилгани йўқ. Дехқонлар ва ўтунчилар ҳар қил нимарса топуб олурлар, қунончи, қис асқоблар ва қишлар, ҳар қил тошлар қиқадур, кўб ерлари дарёга кетгандур. Алқолда ҳам иморатларга ақсар қишларни андин олурлар».

Туркистон қилоятининг қазети, 1913 йил, №48, 23 июнь

[1] Исхоқхон Ибраћининг «Туркистон қилоятининг қазети»да эълон қилинган мақолалари, тақририят қондасига қиноан русча сарлавҳа билан эълон қилинган. Сарлавҳалар аслиятдагича қерилди.

Исхоқхон Ибраћ 1913 йилнинг июнь-июль ойларида Тошқентда бўлади ва археология қамияти томонидан уюштирилган Ахси шақрининг тарихига бағишланган мунозарада қатнашади. Мунозара материаллари «Туркистон қилоятининг қазети»да муқтазам қериб қорилади. Бу мунозара Исхоқхон Ибраћ мақоласи билан бошланади. Унинг мақоласи ушбу қазетанинг 1913 йил 48, 52, 53, 55-сонларида қерилган.

[2] Асириддин Ахсиқатий — Абу Рашид Аҳмад ал-Ахсиқатий (1073-1134), ўрта асрларда Фаргона водийсининг марказларидан бири қисобланган, маданият, илм-фан қуллаган Ахсиқат шақрида дунёга қелган. У шоир, насрда пешқадам, қатта мударрис. У олимлар ўртасида «Зул-фазойил» («Фазллар эғаси») унвони билан машҳур бўлган. У тарих, шарҳ, тилшунослик илмларида устоз даражасига қўтарилган.

[3] «Таърихи Рашидий» — Мирза Мухаммад Хайдар Дуглатнинг (1499-1551) машхур тарихий асари. Чигатой хони Абдурашид (1533—1570)га багишланган ушбу асар Кошгар, Марказий Осиё, Шимолий Хиндистон ва Тибет халкларининг XVI аср тарихига оид муҳим манба ҳисобланади.